

Таниқли қўшиқчи Шинейд О'Коннор Исломни қабул қилди



09:30 / 27.10.2018 4842

Дунёга машхур ирландиялик қўшиқчи Шинейд О'Коннор католикликдан воз кечиб, Исломни қабул қилди. Бу ҳақда Azan.ru нашри хабар берди. Шунингдек, О'Коннор исмини ҳам ўзгартирган, эндиликда унинг исми Шуҳада (шоҳидлик – арабча).

Қўшиқчи исломни қабул қилиб, муслима бўлганлигини Twitter орқали хабар берган ва унга ҳижобда тушган расмини илова қилган. Ўз навбатида таъкидлаш ўринли, Магда Давиттнинг Twitterдаги мазкур akkaунти верификация қилинмаган. О'Коннорнинг расмий саҳифасида эса 2015 йилдан буён ҳеч нарса қайд этилмаган.

“Шуни алоҳида таъкидлашим жоизки, мен Исломни қабул қилиб, мусулмон бўлганимдан фахрланаман. Бу ҳар қандай ақлли илоҳиётчининг сўнгги йўлидир. Барча Битиклар Исломга олиб боради. Бу эса ҳар қандай бошқа Битикларнинг ортиқча эканини кўрсатади. Энди менинг исломдаги янги исмим – Шуҳада”, – деб ёзади у ўз саҳифасида.

Нашрнинг маълум қилишича, ўтган ҳафтада О'Коннор ўзининг азон чақиргани ҳақидаги видеони ҳам ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилган.

Islom.uz портали таҳририяти